O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 280209

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 6 февраль, № 27 (4690) Жума

ОНА-ВАТАН ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

Уни сидқидилдан адо этиш ҳар бир фуқаро учун шарафдир

Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолиги билан мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллантирилди.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ИФТИХОР

Бу борада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг энг муҳим самараларидан бири сифатида армияда ахлоқий-руҳий ҳамда маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳарбий жамоаларда хизматчилар ўртасидаги муносабатлар, энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга муносабат бутунлай ўзгарди. Эндиликда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки чин маънодаги шон-шараф ишига айланди. Шу боис ҳам улғайиб, камолга етган ҳар бир йигит борки, ўз хоҳиш-иродаси билан ана шу шарафли вазифани адо этишга интилмоқда. Улар орасидан белгиланган синовлардан аъло даражада ўтган энг сара, жасур ва мард, интеллектуал салоҳиятли ўғлонлар аскарлик бахтига муяссар бўлмоқдалар.

Хабарингиз бор, шу кунларда жойларда Президентимизнинг жорий йил 6 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига асосан ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири кеча Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида ташкил этилди. Унда вилоят фаоллари, жамоатчилик вакиллари, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилига бир марта — февраль-март ойларида амалга ошириладиган бўлди, — дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, офицер Набижон Валиев. — Мазкур ҳужжат чақирув сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган вақт мобайнида Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳолига кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чақирув комиссияларининг ишида ошкоралик ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вакиллари жалб қилинди. Комиссия томонидан бўлажак аскарларнинг соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги, интеллектуал салоҳияти, оилавий шароитлари ўрганилди. Кўриб турганингиздек, бугун ана шу синовлардан муваффақиятли ўтган ёшлардан бир гуруҳи муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетишмоқда.

Саф тортиб турган йигитларнинг юз-кўзига боқиб, улардаги ишонч ва қатъиятни сезиш қийин эмас. Дарвоқе, аввалги кузатиш маросимларидан фарқли яна бир жиҳат эътиборимизни тортди. Ҳарбий хизматга отланаётган ёшлар бу гал шу ернинг ўзида аскарлик либосини кийишди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий офицерлар уйида 5 февраль куни "Ҳарбий ҳуқуқ ва унинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида интизомни мустаҳкамлашдаги аҳамияти" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда экспертлар, манфаатдор идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

МУСТАҲКАМ ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ – ЮКСАК ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ГАРОВИ

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида Қуролли Кучларимизни, жумладан, фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бунда мудофаа қурилишининг норматив-ҳуқуқий базасини замонавий демократик нормалар ҳамда стандартларни инобатга олган ҳолда ҳар тарафлама такомиллаштириш, соҳага оид қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида Қуролли Кучларимиз олдига давлат аҳамиятига молик алоҳида вазифа – ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Барча даражадаги командирларнинг фаолияти офицерларда, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашга, уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга, ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт. Қуролли Кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга қаратилган ишлар айни шу талабларга мувофиқ равишда олиб борилиши лозим, зотан, ҳарбий интизом Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бўлинмаларининг жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Қуролли Кучларнинг барча тоифаси шахсий таркибидаги юксак уюшқоқлик ва қатъий тартиб-интизом мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя этиш ва қўриқлаш соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъмин этишнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир.

(Давоми 2-бетда).

Мутахассисларнинг айтишича, давлатларнинг экологик аҳволи, аҳолисининг саломатлик даражасини мавжуд ўрмонзорларига қараб ҳам билиб олиш мумкин экан. Негаки, ўрмонлар қурилиш саноати учун хом ашёгина эмас, балки атмосфера ҳавосини тозалаш ва иқлимни мўътадиллаштириш, табиий офатларнинг олдини олиш хусусиятларига ҳам эга.

ЯШИЛ ОЛАМГА САЁҲАТ

Анжуман

Бир сўз билан айтганда, улар биохилма-хилликни сақловчи табиатнинг бебаҳо инъомидир. Лекин ўрмондан фақат эҳсон кутиш ярамайди. Дарахтзорлар парвариши ҳўйига қўйилса, бири кесилса, ўрнига ўни экилса, бу хазинанинг бойликлари сира адо бўлмайди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ўрмончиликни ривожлантиришга эътибор янада кучайди. Натижада яшил майдонлар ҳажми йил сайин кенгаймоқда.

Ўрмонлар ташкил этиш, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришни фақат соҳа мутахассисларининг вазифаси деб қараб бўлмайди. Унда барча — ёшу қари, кенг жамоатчилик ўзини бирдек масъул ҳис этмоғи керак. Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва "Abu Matbuot-Consult" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистонда "Facility" ўрмончилик дастурини амалга ошириш ва жамоатчиликни хабардор қилиш" мавзуидаги семинар-тренингда ўртага ташланди.

Таъкидландики, бу жараёнда, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида. Шу боис тадбир давомида соҳага ихтисослашган журналистларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида маърузалар билан чекланиб қолинмади. Ўрмончилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самараси билан яқиндан танишиш мақсадида Манзаралі боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказига сафар уюштирилди.

— Мамлакатимизда ўрмонлар барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштиришда марказимизнинг муносиб ҳиссаси бор, — дейди марказ директори Шермуҳаммад Юсупов. — Чунки бу ерда манзаралі ўсимликларни парваришлашнинг истиқболли технологиялари ишлаб чиқиш билан чегараланиб қолинмайди. Тупроқ иқлим шароитимизга мос бўлган шамшод, пальма, қарағай, арча сингари 50 дан ортиқ турдаги камёб дарахт кўчатлари етиштирилади. Масалан, 2008 йилда кўзда тутилган 6,1 миллион тупдан ортиқ ана шундай манзаралі ва мевали дарахт ниҳоллари етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ СУД РАЁСАТИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2008 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Тизимда амалга оширилаётган ишлар фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, ўтган йили фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 340 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Тамомланган ишларнинг 90,5 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 96,2 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан эса 55 мингга яқин жиноят иши ва 256 мингдан ортиқроқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ иш кўриб чиқилди. Таъкидлаш керакки, судлар фаолиятида асосий эътибор — қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилмоқда.

Йиғилишда ўтган йили айрим жиноят турлари, жумладан, қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, ўғрилик, транспорт воситаларини олиб қочиш, безорилик, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти учун судланганлик ҳолатлари камайгани қайд этилди.

Бундан ташқари, жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ярашув институтини қўллаш натижасида 21 минг нафардан зиёд, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида эса 79 минг нафардан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят оқибатида етказилган 51 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар қопланганлиги сабабли 11 минг нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Раёсат йиғилишида судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш борасидаги вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Одил судловни амалга ошириш, адолатли қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда баъзи судьялар томонидан қонунчилик талабларига риоя этмаслик, сансалорлик ва бепарволикка йўл қўйиш ҳолатлари учраб тургани таъкидланди. Жумладан, 2008 йили 106 нафар судьяга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди, 3 нафар судьянинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулосага келинди. Тўрт нафар судья судьялик қасамёдини бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Мамлакатимизда умумий фойдаланиладиган сувнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги экинлари учун сарфланади. Шу боис экинларни суғориш жараёнида сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тадбир

Юртимизда суғориладиган ерлар 4,3 миллион гектарни ташкил этади. Бу майдонларни сув билан таъминлаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида сув омборлари, магистрал ҳамда хўжаликлараро суғориш тармоқлари иши тобора такомиллаштирилмоқда.

"Ўзгидромет" марказидан хабар қилишларича, 2009 йилнинг ёзги суғориш мавсумида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида ҳамда ички дарёларда сув ресурслари меъёридан камроқ бўлиши кутилмоқда. Бу эса сувга бўлган талаб ва сув таъминоти даражасини чуқур таҳлил қилишни, ундан янада тежамкорлик билан фойдаланишни талаб этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ўтган сув ресурсларини ҳисобга олиш, оқилона бошқариш ва самарали фойдаланишни ташкил этишга бағишланган йиғилишда шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари вакиллари, ирригация ва ҳавза бошқармалари раҳбарлари, насос станциялари мутахассислари ҳамда соҳа олимлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Банклар капитали ҳажми ошмоқда

2008 йилда республикамизда тижорат банклари жами капиталининг тўртдан уч қисмини ўзида бирлаштирган саккизта етакчи тижорат банкининг умумий капитали ҳажми **40** фоизга ортди.

Банк-молия соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, шу жумладан, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилгани натижасида шундай ўсишга эришилди.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча жабҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида энг эзгу тамойиллар, умуминсоний қадриятлар мужассам. Биргина мисол. Истиқлолга эришишимиз билан давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ғояси дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилиб, кенг қўллаб-қувватланди.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Бу борадаги қатор халқаро ҳуқуқий мажмуалар ратификация этилиб, миллий қонунчиликка имплементация қилинди. Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган “Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам шулар жумласидандир.

Қонуннинг асл мақсади ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлигини юқори даражада таъминлашдан иборат. Айни пайтда чиқиндилар туфайли юзага келадиган хавфнинг олдини олишга қаратилган ҳимоя воситаларини таъминлаш ҳам ушбу ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топган. Бу ҳолатда кишилар, жамият ҳамда атроф-муҳитга ион нурлари орқали зарар етказилмаслигига алоҳида урғу берилган.

Конвенцияга кўра, радиологик аварияларнинг олдини олиш ҳамда бундай ҳолатлар рўй берса, уларнинг зарарли оқибатларини камайтириш аъзо-давлатлар зиммасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, Конвенцияга қўшилган барча давлатлар ички қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндилар миқдорини имкон қадар камайтиришлари шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат фақатгина фуқаролик ядровий реакторларида ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндиларга нисбатан амалдадир. Шу сабабли Конвенциянинг талаблари ҳарбий ёки мудофаа дастурлари доирасида вужудга келадиган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндиларга қўлланилмайди.

Конвенциянинг 4-бобига биноан, ҳужжатга қўшилган ҳар бир давлат ўз ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлишга доир қурилмалар лойиҳаларини тайёрлайди. Бунда аҳоли ва атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган барча зарарли омиллар ҳисобга олиниши, айниқса, ушбу қурилмалар хусусида омма воқиф этилиши лозим.

Қонун кучга кирди

Шунингдек, аъзо-давлатлар бу борада тегишли ҳуқуқий ҳамда амалий асосларни яратиши кўзда тутилган. Мазкур норма давлатларга радиацион хавфсизликни таъминлашга доир зарур миллий стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда бундай фаолиятнинг лицензияланадиган тизимини яратиш каби мажбуриятларни юклайди.

Ҳужжатда, шу билан бирга, зиммага олинган мажбуриятларни ўз вақтида ҳамда самарали бажарилишларини назорат қилиш мақсадида халқаро йиғилишлар ўтказиш, уларда миллий маърузалар тингланишини ташкил этиш ҳам белгиланган. Миллий маърузада ҳар бир аъзо-давлатнинг ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги соҳасидаги сиёсати, бундай чиқиндиларни таснифлаш, чиқинди деб тан олишга доир мезонлар ҳам ўз аксини топиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий маърузаларда ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлишга қаратилган қурилмаларнинг сони ва жойлашиши, омборхонада сақланаётган ҳамда кўмилган ёқилғининг инвентар рақами кўрсатилиши лозим.

Сўнгги йилларда нафақат ҳарбий ёки мудофаа дастурлари доирасида, балки тинчлик йўлида ишлатиладиган радиоактив элементлар ҳам хавфсизлик жиҳатдан етарли эътибор берилмаса, аҳоли ва атроф-муҳитга катта экологик зарар етказиши мумкинлиги ўз исботини топмоқда. Хусусан, тинчлик йўлида ишлатиладиган атом электростанцияларида юзага келиши мумкин бўлган авариялар натижасида радиоактивлиги юқори бўлган моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиши ҳам катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Мисол учун, 1979 йили Америка Қўшма Штатларида, 1986 йили Чернобилда юз берган мудҳиш воқеалар фикримизни тасдиқлайди.

Радиоактив чиқиндиларни зарарсизлантириш атроф-муҳит муҳофазасининг асосий кафолати ҳисобланади. Чунки бугунги кунда айрим давлатлар ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндиларни денгиз ва океанларга ташлаб юбориш тажрибасини кенг қўллаётган бўлсалар, бошқа давлатлар ушбу зарарли моддаларни келишув асосида бошқа давлатлар ҳудудига кўмишни афзал кўрмоқдалар. Бу, табиийки, атроф-муҳитнинг, экологик борлиқнинг зарарланиш эҳтимолини оширади. Шу боис мазкур Конвенцияда ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндиларни зарарсизлантиришнинг самарали механизмлари белгиланган.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши халқаро экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади, ўз навбатида, Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикасининг бу соҳадаги миллий механизмини ривожлантиришга туртки беради.

Дилшод РАҲИМОВ,
ҳуқуқшунос.

МАМЛАКАТ *бўйлаб*

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Наманган туманидаги Юқори Ровустон қишлоғида “MRT-Textile” хорижий корхонаси иш бошлади.

Маҳсулот ҳажми ошади

Туркиялик ҳамкорлар томонидан киритилган 27,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри сармоя эвазига корхонага Германиянинг замонавий ип-йигирув технологияси ўрнатилди. Айни пайтда бир кеча кундузда 5 тонна юқори сифатли калава ип ишлаб чиқараётган корхона жамоаси мазкур кўрсаткични 20 тоннага етказишни мўлжалламоқда.

Муҳими, янги корхонанинг ишга туширилиши 200 нафардан зиёд маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хива шаҳридаги “Хива Гефаст” хусусий корхонасида пишлоқ ва қаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди.

Тадбиркорлар ибрати

Бу ерда 30 миллион сўмлик хорижий технологиялар ўрнатилиб, кунига 1 тоннага яқин сут қайта ишланмоқда. Сўнгги уч ой давомида корхонада 5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди.

Шунингдек, “Нуржон Аллаёр” хусусий корхонасида музқаймоқ ишлаб чиқариш ва қадоқлаш цехи ишга туширилди. “Бекчон уста” фермер хўжалигида ғишт заводи ўз фаолиятини бошлади. “Хива Хорротбува” ишлаб чиқариш ва савдо корхонасида эса гилам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежига Польшадан сутни қайта ишлайдиган замонавий технология келтирилди.

Коллеж қошида корхона

Хом ашё тумандаги фермерлар томонидан етказиб берилмоқда. Устоз ва шогирдлар саккиз хилдан ортиқ маҳсулот тайёрлашмоқда. Тайёр маҳсулот болалар боғчалари, шифохоналар, савдо дўконларига етказиб берилаяпти.

Эътиборлиси, коллеж талабалари олган назарий билимларини бевосита ўқув даргоҳидаги мавжуд ишлаб чиқариш жараёнида амалий жиҳатдан ҳам синаб кўрмоқдалар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференция иштирокчилари ўз нутқларида Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг барча туридаги ҳарбий хизматчилар учун улкан сиё-

МУСТАҲКАМ ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ – ЮКСАК ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ГАРОВИ

сий аҳамият ва таъсир кучига эга бўлган ҳужжат, шахсий таркибни тарбиялашнинг ва ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг муҳим воситаси эканлигини таъкидладилар.

Иштирокчилар мудофаа тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг Қуролли Кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий ва сиёсий тайёргарлиги йўналишидаги тарбиявий ишларни олиб боришга доир нормалари ва қоидаларини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ҳамда тавсиялар билдирдилар.

(ЎзА).

САВОБ ИШЛАР ТАШАББУСКОРИ

Хайрли ва савоб иш ҳамиша эзгуликка хизмат қилган. Шу боис мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Зеро, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашда бу жиҳат беқиёс аҳамият касб этади.

Бундан ўн беш йил муқаддам ташкил топган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ҳам юртимиз миқёсида амалга оширилаётган ана шундай эзгу ишларга бош-қош бўлаётир. Ўтган вақт мобайнида жамғарма Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга баҳолиқудрат ҳисса қўшди. Айниқса, кейинги йилларда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хусусан, спортни оммалаштириш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида мунтазам равишда спортнинг шахмат ва кикбоксинг турлари бўйича республика биринчилиги мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, ўтган йили мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиб, эл саломатлигини мустаҳкамлаш борасида хайрли тадбирлар амалга оширилди. Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа туманларига “Саломатлик поезд”лари юборилиб, тажрибали шифокорлар иштирокида аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Жисмоний имконияти чекланганларга махсус аравачалар топширилди. Бу саъй-ҳаракатларнинг бари оналар ва болалар саломатлигини асраш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, турли юқумли хасталикларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ижтимоий ҳимоя

Яқинда Оролбўйидаги барча туман ва шаҳарлар марказий шифохоналарига дори-дармон воситалари ҳамда қандли диабет хасталигини тезкор тарзда аниқловчи препаратлар тарқатилди. Бундан ташқари, жамғарманинг хайрия ёрдами тариқасида Акушерлик-гинекология институтининг Қорақалпоғистон филиали реанимация бўлими замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, республикадаги 1 ва 2-шифохоналар, эндокринология клиникаси, кардиология, онкология диспансерларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашилди.

Албатта, бундай тадбирлар кўламини янада кенгайтириш ва савоб ишлар ташаббускори бўлиш мақсадида жамғарма доимий изланишда. Бундан буён ҳам эл саломатлиги муҳофазаси, жисмонан етук ҳамда маънан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган янгидан-янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш ниятидамиз.

Дилбар АЛИМОВА,
«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон филиали директори.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш. Ҳамроев мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, деҳқонларнинг ерга эгалик ҳиссини кучайтириш, ер ва сув захираларидан

СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ерларнинг шўрини ювиш, яхоб суви бериш, экиш учун тайёрлаш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Тадбирда ана шу масалалар, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, сувни тежайдиган техника, технология ва илғор тажрибани оммалаштиришга доир маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов сўзга чиқди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Она-Ватан олдидаги муқаддас бурч

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Шубҳасиз, мана шундай кунлар ҳар бир ота-она учун ҳаётидаги энг бахтли онларидан бири бўлса керак, — деди Чиноз туманидан келган Аҳмаджон Комилов. — Ахир, фарзандингизнинг камолга етиб, куч-қувватга тўлганини кўришдан ортиқроқ қувонч бормикан? Ўғлим Мансуржон акасига ҳавас қилиб, ҳарбий хизматга бораман, деганида ич-ичимдан фахрландим. Чунки армия одамни тарбиялайди, мустақил фикрлашга ўргатади. Умуман, етук инсон бўлиб шаклланишида катта ёрдам беради. Бугун ўғлимнинг ҳарбий либосни кийиб турганини кўрганимда, шулар хаёлимдан ўтди. Насиб қилса, Мансуржон хизматни тамомлаб, олий ўқув юртига киради ва келажакда юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган фарзанд бўлади.

Тантанага йиғилганларнинг ҳар бири ана шундай эзгу ниятда ҳарбий хизматга отланганларга оқ йўл тилашди.

Шу куни Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ҳам бир гуруҳ йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯШИЛ ОЛАМГА САЁҲАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказнинг умумий ер майдони 131,6 минг гектар бўлиб, шундан 53,2 минг гектари ўрмон билан қопланган, 131,6 гектарида эса кўчатхоналар ташкил этилган. Айни пайтда марказнинг юртимиз ҳудудларида 4 та ўрмон хўжалиги, яна шунча ишлаб чиқариш корхонаси, 7 та илмий-ишлаб чиқариш участкаси, битта боғдорчилик ва гулчилик ҳамда “Ўрмонмаш” корхонаси фаолият кўрсатаяпти. Тошкент туманидаги “Ободон глобал сервис” корхонаси — ана шулардан бири. Унинг умумий майдони 3 гектар бўлиб, шунинг 60 сотихида иссиқхона бунёд этилган. Исроил давлати мутахассислари билан ҳамкорликнинг маҳсули бўлган ушбу ғаройиб боғда 50 дан зиёд турдаги ноёб манзарали ўсимлик ва буталар парваришланаяпти. Корхона раҳбарининг айтишича, уларнинг уруғи чет давлатлардан келтирилган. Бу ерда уруғ ва қаламчалардан 50 минг туп ноёб ўсимликлар ниҳоллари парваришланиб, кўкаламзорлаштириш учун мамлакатимизнинг турли бурчакларига етказиб берилади.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қайси мамлакатга ёки шаҳарга бормайлик, ўша ернинг ободончилиги ва қурилган биноларига қараб, халқининг маданий савиясига, маънавий бойлигига, иқтисодий қудратига баҳо берамиз. Шу жиҳатдан олганда, бизнинг халқимиз миллий меъморчилик санъати ва бой маданий мероси билан жаҳон халқлари орасида олдинги ўринлардан бирида туради.

МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛАНИШ

«2-темир-бетон маҳсулотлари» заводида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотлар бинолар қурилишида ўзгаришларга асос солди.

Олис асрлар қаъридан ўтиб келиб, ҳамон инсоннинг ҳаётга, яратиш, гўзаликка меҳри обидаси бўлиб, завол билмай юксалиб турган биноларимиз бунга далилдир. Қолаверса, соҳибқирон Амир Темур “Қудратимизга шубҳалансангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг”, деб бежиз айтмаган.

Хусусан, биргина пойтахтимизда истиқлолга эришганимиздан кейинги йилларда олиб борилган улкан қурилиш ишлари Тошкентнинг дунё миқёсида намойиш қилишга арзигулик шаҳарлар сафидан ўрин эгаллашига олиб келди.

Замонлар ўтиши, давр тақозосига кўра, миллий меъморчилигимизда ҳам янгидан-янги анъаналар, ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда мамлакатимиз шаҳарларида тураржой, маъмурий биноларни, асосан, кўп қаватли иншоотлар ташкил қилади. Бу иморатларнинг сифати ва мустаҳкамлиги, асрларни-асрларга улаб, келажак авлодга ҳам қолиши меъморлар, қурувчилар меҳнати билан бирга, бинога ишлатилаётган қурилиш материалларига ҳам боғлиқ.

Негаки, қурилиш материаллари саноати иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидаиоқ давлатимиз томонидан мазкур йўналишдаги корхоналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июндаги “2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида”ги қарорида ҳам айнан шу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилган эди.

Айтиш жоизки, бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида айни пайтда республикамизда бир қанча қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил топди.

Кейинги йилларда пойтахтимизнинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб қад ростлаётган бинолар қурилишида “2-темир-бетон маҳсулотлари” заводининг ҳам муносиб улуши бор. Зотан, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар пишиқ-пухталиги, сифат кўрсаткичлари бўйича буюртмачиларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Бунёдкорлик

Шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасининг ўзгариб бораётганлиги фуқаро қурилиш меъморчилигида ҳам янгича услубларни жорий қилишни тақозо этмоқда. Яъни асосий эътибор биноларнинг мустаҳкамлиги, гўзаллиги ва яшаш учун қулайлигига қаратилмоқда.

Қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам шу талабдан келиб чиқиб янги маҳсулот турларини тайёрлашни йўлга қўймоқдалар.

Шу вақтгача бинолар қурилишида уй томини ёпишда 5-7 метрлик бетон плиталар ишлатилар эди. “2-темир-бетон маҳсулотлари” заводи мамлакатимизда илк бор том ёпишда қўлланиладиган 12 метрлик темир-бетон плиталарни ишлаб чиқара бошлади. Бу янгилик миллий меъморчилигимиз учун катта имконият яратди. Маданият саройлари, йирик мажлислар зали ва бошқа иншоотлар қурилишида айнан шундай плиталар ниҳоятда асқотади. Бунга Испания ва Италия технологиялари асосида жиҳозланган “Тенсиланд” линиясини ишга тушириш орқали эришилди.

Янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш учун заводда узунлиги етмиш метрлик махсус майдон тайёрланган бўлиб, бетон аралашмаси шу майдон бўйлаб тўлиқ қуйиб чиқилади. Орадан 18 соат ўтганидан сўнг эса бетон плита махсус дастгоҳда 1 метрдан 12 метргача бўлган ўлчамларда қирқиб чиқилади. Барча жараёнлар автоматлаштирилган, плита учун ишлатиладиган аралашмалар сифати, миқдори компьютер орқали назорат қилинади. Ушбу янги линия “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси ва “Ўзоғирмашлойиҳа” институти томонидан синовдан ўтказилиб, нафақат юқори баҳоланди, балки қурилиш учун жуда зарур, мустаҳкам ва сифатли маҳсулот сифатида эътироф этилди.

Янги линиянинг ишга туширилиши туфайли ўнлаб иш ўринлари яратилиши билан бирга, заводнинг экспорт салоҳияти ҳам ортди.

— Ўтган йили 550 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни экспортга чиқардик, — деди завод бош директори Абдували Ваҳобов. — Шунингдек, мамлакатимиздаги қурилиш ташкилотларига ҳам 5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Ишга туширилган янги линия йилига 22 минг квадрат метр темир-бетон плиталарни ишлаб чиқариш қувватига эга. Бизнинг асосий мақсадимиз рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий машина-ускуналар орқали корхонани модернизация қилишни жадаллаштиришдир. Бу эса, табиийки, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашнинг бош мезонидир.

Бугунги кунда заводда маҳсулот турларини кўпайтириш бўйича жиддий изланишлар олиб бориляётир. Яқин кунларда завод цехларида кўприк ва бошқа йирик иншоотлар учун узунлиги 30 метргача ва ундан ортиқ ҳажмдаги темир-бетон блоклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Амалга оширилаётган бу ишлар жамоада меҳнат қилаётганларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги, изланувчанлиги туфайли рўёбга чиқаяпти, десак асло янглишмаймиз. Зеро, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан яратилаётган маҳсулотлар вақти келиб муҳташам биноларнинг, гўзал кошоналарнинг мустаҳкам таянчи бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Абдураззоқ КАРИМОВ.

Баҳтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Буюк Британияда кучли қор ёғаётгани туфайли аэропортлар фаолияти тўхтаб қолди, дея хабар тарқатди «Rueters» ахборот агентлиги.

Қалин қор туфайли

Айни пайтда Бирмингем, Лутон ва Ист Мидланд каби аэропортларда парвозларни амалга оширишнинг умуман имкони бўлмаяпти. Шунингдек, поезд ва автобуслар қатновида ҳам узилишлар юзага келган.

Жангарилар изидан

Доғистонда жангариларни йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилди.

«Интерфакс» ахборот агентлиги маълумотларига кўра, Махачқала шаҳридан 10 километр узоқликда жойлашган Ленинкент посёлкасида босқинчилар яширингани аниқланган. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида уч нафар жангари йўқ қилинган. Улар жойлашган ҳудудда текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Сабаблари ўрганилмоқда

Чикагода XIX асрда бунёд этилган католик черкови ёниб кетди, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарида.

Чикаго ўт ўчириш департаменти вакили Ларри Лэнгфорднинг сўзларига қараганда, ёнғин бинонинг ички қисмига зарар етказмаган.

Айтиб ўтиш керак, ушбу черков биносида яқинда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилганди. Ёнғин сабаблари ўрганилмоқда.

Инвесторлар зарар кўришди

Японияннинг йирик инвестиция компанияларидан бири — «L&G K.K» директорлар кенгаши раҳбари Казутсуги Нами қаллобликда айбланиб, ҳибсга олинди.

75 ёшли етакчи компанияга қўйилган пулларга дивидент беришда кўзбўямачиликка йўл қўйиб, инвесторларнинг 1,4-2,2 миллиард АҚШ долларигача зарар кўришига сабабчи бўлган. Маълумотларда «L&G K.K»га 37 минг инвестор 200 миллиард иена (2,24 миллиард АҚШ доллари) миқдорида маблағ йўналтиргани айтилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ва унинг ҳудудий филиаллари

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Андижон вилояти филиалида 2009 йил 24 февраль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран Андижон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2008 йил 12 августдаги 2-57-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Жанубий саноат ҳудуди, Индустриаль кўчасида жойлашган «Beta algoritm anonim shirketi» МЧЖга қарашли, жами қурилиш майдони 1962,82 кв.м.дан иборат: А, А-1 литерли бино, фаввора, сув ҳавзаси (бассейн), қўрғон девори, дарвоза, В-литерли омборхона, темир ишком ҳамда 126 тип мевали дарахтлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 249 725 553 сўм.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар билан шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, ИНН: 200933850.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.
Телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.

II. РКМБ Хоразм вилояти филиалида 2009 йил 27 февраль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразм автойўл» махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Бинокор (Обводная) кўчаси 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1382,27 кв.м.ни ташкил қилган, 20 кишилик меҳмонхона типида қурилган 2 қаватли тураржой биноси.

Жорий бошланғич баҳоси — 401 098 759 сўм.

2. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 3 июндаги 1853-сонли ва 2008 йил 26 июндаги 1950-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Урганчсувқурилишмонтаж» унитар корхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Ашхобод кўчаси, 200-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 704,93 кв.м.ни ташкил қилган 3 қаватли маъмурий бино.

Жорий бошланғич баҳоси — 74 551 508 сўм.

Юқоридаги мулклар билан шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, МФО: 00580, ИНН: 200933850.

Лицензия: DB 001 № 000004.

Манзил: Урганч шаҳри, Ю. Бобожонов кўчаси, 23-уй.
Телефонлар: (8-362) 226-32-63, 226-43-64. www.rkmb.uz

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги № ПҚ-672-сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларни қабул қилиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади:

«ФАРҒОНА ФУРАН БИРИКМАЛАРИ КИМЁ ЗАВОДИ» УКнинг 100% СОТИЛИШИ БЎЙИЧА

«Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи» УКнинг 100% фаолият тури сақланган ҳолда сотувга қўйилади.

«Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи» УК Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхона фаолиятининг асосий йўналиши пахта целлюлозаси, фуритол-107, фурфил спирти, этилланган техник спирти, 1-навли фурфурол, ФХЛ-1 бурғулаш реагенти, той-пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат.

*Корхонанинг бошланғич баҳоси — **37 000 000,0** (ўттиз етти миллион) АҚШ доллари.*

*Корхонанинг инвестиция мажбуриятлари — **2 600 000,0** (икки миллион олти юз минг) АҚШ долларини ташкил этади.*

«FARG'ONAAZOT» ОАЖнинг 51% АКЦИЯЛАРИ ПАКЕТИ СОТИЛИШИ БЎЙИЧА



«Farg'onaazot» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 51 фоизини ташкил этувчи 2 057 631 (икки миллион эллик етти минг олти юз ўттиз бир) дона оддий акциялари сотувга қўйилади.

«Farg'onaazot» ОАЖ Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида жойлашган. Корхона 1961 йилда ишга туширилган. Корхонада суюқ аммиак, карбамид, аммиак селитраси, магний хлорат дефолианти, натрий хлорат ва карбон кислотаси ишлаб чиқарилади.

*Акциялар пакетининг бошланғич баҳоси — **52 000 000,0** (эллик икки миллион) АҚШ доллари.*

*Корхонанинг инвестиция мажбуриятлари — **55 000 000,0** (эллик беш миллон) АҚШ долларини ташкил этади.*

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун Давлат мулки қўмитасининг қуйида келтирилган ҳисоб рақамига 2 000 (икки минг) АҚШ доллари ўтказилиши лозим:

- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001
ОПЕРУ АИКБ «Ипак йўли», ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2009 йил 3 март куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очилиши 2009 йил 3 март куни Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17.01-хона.
Бош директор в. б. Ахмеджанов Халил Ҳакимжонович эътиборига.
Телефон: +998 (71) 259-22-51. Факс: +998 (71) 259-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

ҚОРАКЎЛ «ИШҚИБОЗЛАРИ»

Қоракўл териси юртимизнинг бебаҳо бойликларидан бири саналади. Унга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш юқори. Бу маҳсулотни четга олиб чиқиш қонун йўли билан тақиқланган бўлса-да, на ўзини ва на қонунни ҳурмат қиладиган айрим "тадбиркорлар" уни хорижга олиб чиқиб сотишга уринмоқдалар.

Назорат

Ўтган йили божхоначилар саъй- ҳаракати сабаб 32 ҳолатда умумий қиймати 177 млн. сўмлик 27 минг дона қимматбаҳо терининг юртимиздан ташқарига чиқиб кетишининг олди олинди.

Яқинда қорақалпоғистонлик божхоначилар "Тошкент – Саратов" поездида Россияга отланган хоразмлик О. Аҳмедовни божхона назоратидан ўтказдилар. Минг таассуфки, унга тегишли хўжалик сумкаларида 110 дона қоракўл териси борлиги аниқланди. Жами 6 млн. 600 минг сўмлик ушбу бебаҳо бойлик божхоначилар зийраклиги сабаб юртимиздан чиқиб кетмади. Энди қоракўлфуруш ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг маҳсулотни қачон, кимдан олганлиги ҳақидаги саволларига жавоб беришига тўғри келади.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШ БОШҚАРМАСИ

2009 йил учун ҳайвонларнинг юқумли касалликларига қарши ишлатиладиган қуйидаги ветеринария препаратларини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади:

- **яшур (А, О, Осиё-1 типи, суюқ) эмламаси;**
- **бруцеллёз (шт. «19» ва «REV-1») эмламаси;**
- **лептоспироз эмламаси;**
- **қуйдирги эмламаси;**
- **яшур эмламаси;**
- **брадзот эмламаси;**
- **туялар ўлати эмламаси;**
- **қўйлар чечаги эмламаси;**
- **туберкулин ППД аллергени;**
- **маллеин аллергени;**
- **парранда ўлати қуруқ эмламаси.**

1. Танлов қатнашчилари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- *корхонанинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;*
- *корхонанинг ветеринария фаолияти билан шуғулланиши учун берилган лицензия нусхаси;*
- *корхонанинг молиявий ахволи тўғрисида маълумот.*

2. Танловга қўйилаётган ветеринария препаратларига талаб этиладиган ҳужжатлар:
- *корхона томонидан танловга таклиф этилган ветеринария препаратлари (субстанция)нинг Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтганлиги (гувоҳнома нусхаси);*
- *танловга таклиф этилаётган ҳар бир препаратнинг Давлат ветеринария бош бошқармасига сотилиш нархи (сўм);*
- *танловга таклиф этилаётган ҳар бир препарат бўйича ишлаб чиқарилган давлат, завод ва фирмаларнинг тўлиқ номи ва манзили (телефон, факс, электрон почта ва хоказолар);*
- *танловга таклиф этилаётган ҳар бир препаратнинг тури, қадоқланиш ҳажми, қўлланилиши бўйича йўриқномаси.*

Танловга таклифлар ёпиқ конвертларда муҳрланган ҳолда 2009 йил 9 март куни соат 18.00 гача қабул қилинади. Танлов 2009 йил 10 март куни ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21-«А» уй.
Мурожаат учун телефонлар: 276-66-17, 276-91-51, 276-90-85.

"INTEGRAL ASIA"

17" мониторли P4 компьютерлари

Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади.
«Актив инвест» кредит иттифоқи кўмагида.

Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/12,
тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net
www.integr-asia.com

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Д.А.Охунжонова-га ўғли **Музаффар ОХУНЖОНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Дастгоҳли рангтасвир кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги **Бахтиёр Мамарасулович БОБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Ҳамжиҳатлик — борлиқни тутиб турган қудратдир. Осмондаги сайёралар бир-бирини ушлаб турибдилар. Улар бир-бирига муносиб, акс ҳолда сўниб тушган бўлур эдилар.

САМОВИЙ ЖОЗИБА

Заминдаги табиатда, хусусан, одамлар орасида бу хусусият бирмунча мураккаб кечади. Фалакларда биз ҳозиргина зикр этган ҳодисаларга хилоф вазиятлар ҳам одамлар ўртасида истаганча топилади. Биз самода бир-биримизни ушлаб турганимиз йўқ, бинобарин, хато-камчиликларимиз, ихтиёрли-ихтиёрсиз юз берган кўнгилсизликлар, бевафоликлар — буларнинг қайси бири ҳеч биримизни осмондан тушириб юбормайди. Аслида-ку, инсонларнинг муносабатларидаги номутаносибликларнинг оқибатида, эҳтимол, самовотдан ҳам юксак, бутун борлиқнинг яратилишидан бош мақсад бўлган ана шу инсоннинг маънавияти лат ейди. Бу шикаст, бу қусур осмондан ҳам баланд юксакликлардаги юлдузларникидан ҳам улуғвор мувозанатларни бузиб юборса ажаб эмас. Бундай мудҳиш инқирознинг оқибатларини Алишер Навоийдек буюк шоирларгина билсалар, башорат қилсалар ажаб эмас:

Қилди душман раҳм баским, қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгил, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст.

Душман менга бор-йўғи раҳм қилишни тўхтатди, дўст эса озор бермоқда... Иккинчи мисрада ана шу хулоса чиқиб келмоқда. Ақлсиз дўстдан ақлли душман яхши, дейди халқимиз. Бу байтдаги "душман топ эмди", деган сўзлар, аччиқ кесатиқ. Шунинг билан бирга ўта жиддий огоҳлантириш ҳам. Бу мисралар бизни дўст танлашда — бу дўст хоҳ инсон тарзида бўлсин, хоҳ ҳаётий дастуриламаллар тарзида бўлсин — ниҳоятда ҳушёр бўлишга даъват этади.

Навбатдаги байтда хиёнатнинг табиати яна ҳам чуқурроқ таҳлил этилади. Навоий таърифлаётган дўст шу қадар ғофилки, ўзининг озорбахшлигини фаҳмламайди ҳам:

Душман ар жонимни ҳам афгор этар, қилдим бихил,
Жавр тийғидин чу кўнглим айламиш афкор дўст.

Тиғ яраси битади, тил яраси битмайди, дейдилар. Тиғ яраси бу душманнинг иши, тил яраси дўстдан бўлиши ҳам мумкин.

Алишер Навоий ғазалларининг лирик қаҳрамони дўстлик бобидаги ўз маънавий камолотидан келиб, бошқаларга талаб қўяди ва улардан ўз руҳий даражасига муносиб садоқат кўрмаганидан ўзини изтироблар гирдобига ташлайди. Юқоридаги байтдаги "бихил" сўзининг "гуноҳдан ўтиш" маъносида эканлигини айтсак кифоя. Мазмунни зийрак ўқувчининг ўзи илғаб олади.

Навбатдаги байт дўст дўстни ғафлатдан халос қилиб яшамаклиги зарурати хусусидадир:

Кеча душманларғаким ноламдан уйқу келмади,
Ранжамен мундин доғиким, бўлмади бедор дўст.

("Ранжамен" – азобдаман, изтиробдаман. "Доғиким" – тағинким, янаким).

Модомики, лирик қаҳрамон ўзининг эътиқод даражасидан келиб чиққан ҳолда буюк дардлар соҳиби экан, унинг душманлари, яъни бундай эътиқоддан, бундай маънавиятдан йироқ одамлар қаттиқ ғафлатдадирлар. Шоир мубоғаласини кўрингки, ҳатто ана шу ғофиллар ҳам лирик қаҳрамон фарёдидан безовталанадилар, ухлай олмайдилар. Дўстлар эса шу қадар бефарқ бўлиб қолганларки, "мен"нинг ноласи уларнинг ҳатто уйқусиниям бузмайди.

Шоирнинг байтларида лирик қаҳрамоннинг дўст танлашда қаттиқ адашувларидан ўкинчи ҳам зимдан кўзга ташланади. Бу дўстлар бир вақтлари қаҳрамон ўз бошидан яхши кунларни кечираётган вақтида дўст тутинганлар, эндиликда унинг бошига дард тушиб, ўлар ҳолатга етгач, руҳан унинг душманлари томонига ўтиб, ўша душманларнинг раъйига қараган ҳолда ўзларини душманларга ўхшатиб тутадилар. Улар, албатта, буни ўз қўрқоқликларидан қиладилар. Бу фожиали аҳволнинг даҳшати шу даражадаки, лирик қаҳрамоннинг душманлари, табиийки, унинг тарафига ўтмасалар ҳам, кўнгил учун, одамгарчилик юзасидан ўзларини "дўстваш", яъни дўстларга ўхшатиб тутадилар.

Бундай аҳволда ўзларини сиртдан "дўстваш" тутаётган душманларнинг ичдан, пинҳона кулишлари табиий бир ҳолдир. Чунки "мен" кўп дўст топди ва улар дастидан яна ҳам кўпроқ жафо чекди.

Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам жафо,
Гарчи қозғондим қилиб жоним фидо бисёр дўст.

Шу қадар оқибатсизликлардан сўнг шоир бунинг сабабини излайди. Нега шундай? Поэтик таҳлил шуни кўрсатадики, борлиқнинг тузилишида ўзи вафосизлик бор. Оламнинг айланишида, заминнинг чарх уришида, Ернинг ўзи ва Қуёш атрофида айланишида бир-бири билан муштарак бўлган бахт ва кулфат мавжуд. Бу кулфат ўтаётган вақтдир. Вақтнинг ўтишида, бунинг оқибатида одамнинг умри тугамагида шоир фалакнинг улуғ бир вафосизлигини кўради. Модомики, инсон мана шу бевафо фалакдан нур эмиб, ҳаво олиб яшар экан, шу нур, шу ҳавонинг таъсиротида етилган неъматлардан тановул қилиб вояга етган экан, у ҳам вафосизликка маҳкум, демоқчи бўлади шоир:

Чархнинг меҳрига мағрур ўлмағилким, ғадри бор,
Ҳаргиз ўлмас кимсага ул душмани ғаддор дўст.

("Меҳр" – "қуёш" дегани...)

Юқоридаги байтдан кейингина Алишер Навоий дўстликнинг илоҳий томонига эътибор беради ва эътиборимизни қаратади. Хўш, деб фикрлаймиз навбатдаги байтни ўқиганда, инсоний дўстлик мана шундай нуқсонли экан, бу дарднинг давоси қаерда? Шоир улуғ бир нуфуз истайди, у шундай бўлмоғи керакки, инсонлар ўртасидаги иллатли дўстликни бартараф қилиб турсин, қуёш ўз тасарруфидаги сайёраларни ўзига жалб қилиб тургани каби, бутун оламни, шу жумладан, бутун инсониятни парокандаликдан асраб, ўзи ва ўзи воситачилигида, бир-бирига жипслашиб яшасин. Шоир бундай нуфузни Соқий деб билади. "Соқий" сўзининг оддий, луғавий мазмуни "май қуювчи" дегани. Бироқ шарқ таълимоти таъсирида шаклланган мумтоз шеъриятимизда "соқий" сўзи бутун бир мазмунлар мажмуасини изҳор этадиган истилоҳдир. Булардан энг муҳими, Соқий дунё иллатларини унуттириб, инсонни илоҳга бошлайдиган раҳбар, халоскор мазмунидадирки, шунинг учун ҳам шоир дейди:

Соқиё, қил дўстлуқ, тут бодаким, йўқтур ғами,
Бўлса олам душмани, ҳар кимга сендек бор дўст.

Ана шундай Соқийни дўст деб билган одамлар гуруҳи бир-бирига ва соқийга итдек садоқатли ёр-дўст бўла оладилар. Бундай "ит"ларнинг ғавғоси вафосизликлар оқибатида ўлаёзган одамни ҳаётга қайтаради, ҳушёр торттиради:

Итларинг ғавғо қилур, гўё Навоий ўлдиким,
Боши узра жамъ бўлиб, афғон қилурлар ёр-дўст.

Алишер Навоийнинг нодўстлик даражасида қолиб кетган дўстлардан ҳасрати, албатта, ғазаллардаги "мен"нинг, биз аксар шоирнинг шахси билан тенг кўрадиган инсоннинг ўз афзаллигини пеш қилиши эмас, балки инсонлари ўзаро муносабатда бир-бирига илоҳий бир холисликка муносиб бўлишга даъватидир. Инсон инсонга дўст бўлмай туриб, инсон Яратганга дўст бўлолмайди. Бирбиримиз билан дўст бўлишимиз Яратган билан дўстлашувнинг муборак машқидир.

Мақоламизни осмондаги юлдузлар ҳамжиҳатлиги ҳақидаги мушоҳададан бошлагандик. Инсонларнинг юраклари бир-бирини ана шу юлдузлардек бир-бирига тортиб яшасалар, бундай маънавий жозибадан башарият руҳининг осмони ҳамиша чарақлаб туражакдир. Навоий ғазалиётида комил дўстликдан сурур ва номукаммал дўстликдан ҳасрат юлдузлар жозибасидан ибрат олишга чақирувчи муқаддас даъватнома десак, хато қилмаган бўламиз.

Матназар АБДУЛҲАКИМ,
Хоразм Маъмун академиясининг илмий ходими.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ

Дил мулкидан дур тутган султон Навоий,
Ҳикмат отлиқ нур тутган осмон Навоий.

Тафаккурнинг тоғига чиқмоқ истасанг,
Умринг тилаб қўл чўзган имкон Навоий.

Гўзалликнинг меваси кўкдан тушмагай,
Туркий тилда бол берган боғбон Навоий.

Ўқиганга минг раҳмат, уққанлар айтсин,
Сўз ила эл қадрига қалқон Навоий.

Беш юз йиллар беш минг бор келгайдир, илло
Асрларни қаритган даврон Навоий.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Тошкентда Навоий номидаги опера ва балет театри, Алишер Навоий кўчаси, "Алишер Навоий" метро бекати мавжуд. Метро бекатида "Хамса" достонидан парчалар, яъни сурат ва нақшлар акс эттирилган.

* * *

Меркурий сайёрасининг кратери Навоий шарафига номланган.

* * *

Алишер Навоий ҳайкаллари жаҳоннинг энг машҳур шаҳарлари Москва, Боку, Токио, Навоий, Самарқанд, Тошкентда бунёд этилган.

* * *

Буюк ижодкор номи билан аталган кўчалар Украина пойтахти Киев ва Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ҳам мавжуд.

МАКТАБИМ – МАТЛАБИМ

Ёш авлоднинг пухта билим олиши, келажак сари дадил интилиши учун бугун юртимизда улкан имкониятлар мавжуд. Шаҳару қишлоқларда муҳташам таълим масканлари қад ростлаётганлиги, илм даргоҳлари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлангани бунинг тасдиғидир.

Таълим

Зеро, ушбу эзгу саъй-ҳаракатлар юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури каби муҳим ҳужжатлар изчил ҳаётга татбиқ этилганлиги самарасидир.

Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби ҳам замонавий ўқув масканларидан бири саналади. Мактабда 1270 ўқувчи таълим олмоқда. Малакали педагоглар ноанъанавий ўқитиш услуби ва янгича педагогик технологиялар асосида ёшларга пухта билим бермоқдалар.

Ўтган йили мукаммал таъмирдан чиқарилган ушбу таълим масканидаги физика, кимё, биология синфхоналари махсус лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, мактабнинг география ва информатика хоналари интерфаол усулларда машғулот олиб боришга мўлжалланган махсус ўқув анжомлари билан жиҳозланди. Қолаверса, мактабда мавжудларига қўшимча равишда яна 3 та компьютер синфи очилди. Ушбу синфларга жами 35 та компьютер ўрнатилди. Яратилган шундай бекиёс имкониятлар туфайли ёшлар ушбу фандан дарс машғулотларини пухта ўзлаштиряптилар. Айниқса, информатика фани бўйича кичик синф ўқувчиларининг иқтидори баландлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Мактабда шунингдек, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Масалан, яқинда бошланғич синф ўқувчилари ўртасида 7 хил фан бўйича "кичик олимпиада" ўтказилди. Ғолиб ўқувчиларга эса рағбат тариқасида дарсдан ташқари ўтказиладиган қўшимча компьютер машғулотларида бепул қатнашиш имкони берилди.

СУРАТДА: мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Карима Сиддиқова ўқувчилари билан.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 9 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилганлигини маълум қилади:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан Суд департаменти Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган ХЁАТ «Парвина» банки ва унинг тизимидаги хўжалик юритувчи ташкилотларга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари:

Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 157-уйда жойлашган «Самарқанд автотеххизмат» 1-сон автосалон омборхонасида сақланаётган:

а) «Ласетти» русумли автомашина, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 497, техник соз. Бошланғич баҳоси — 23 061 708 сўм.
б) «Шевролет Эпика» русумли автомашина, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AS 720, техник соз. Бошланғич баҳоси — 38 234 670 сўм.
в) «Леганза» русумли автомашина, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 175, техник соз. Бошланғич баҳоси — 11 060 216 сўм.
г) «Шевролет Каптива» русумли автомашина, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 771, техник соз. Бошланғич баҳоси — 45 209 400 сўм.
д) «Шевролет Каптива» русумли автомашина, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 605, техник соз. Бошланғич баҳоси — 46 369 575 сўм.
е) «Тико» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AB 220, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 6 151 322 сўм.
ё) «Шевролет Такума» русумли автомашина, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AS 123, техник соз. Бошланғич баҳоси — 31 171 299 сўм.
ж) «Нексия» русумли автомашина, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AE 944, техник соз. Бошланғич баҳоси — 8 892 119 сўм.
з) «Нексия Донс» русумли автомашина, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 802, техник соз. Бошланғич баҳоси — 9 439 936 сўм.
и) «РАФ-2203» русумли микроавтобус, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AL 659, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 491 956 сўм.
й) «Дамас» русумли автомашина, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 421, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 780 634 сўм.
к) «Дамас» русумли автомашина, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 249, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 599 989 сўм.
л) «ГАЗ-2417» русумли автомашина, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AA 257, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 1 982 751 сўм.
м) «Дамас» русумли автомашина, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 251, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 780 633 сўм.
н) «SAZ NP 21 ISUZU» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 915, техник соз. Бошланғич баҳоси — 40 597 800 сўм.
о) «SAZ NP 21 ISUZU» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 914, техник соз. Бошланғич баҳоси — 43 118 485 сўм.
п) «SAZ NP 21 ISUZU» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 916, техник соз. Бошланғич баҳоси — 44 552 035 сўм.
р) «Отойўл-659» русумли автомашина, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 212, техник соз. Бошланғич баҳоси — 16 896 500 сўм.

II. Самарқанд шаҳри, аэропорт ҳудуди, Лочин кўчаси, 9-уй «Парвина қурувчи» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:

а) «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 329, техник соз. Бошланғич баҳоси — 7 267 250 сўм.
б) «МАЗ-5549» русумли автомашина, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 072, техник соз. Бошланғич баҳоси — 3 101 340 сўм.
в) «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AJ 103, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 6 948 200 сўм.
г) «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AJ 219, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 7 330 750 сўм.
д) «ЗИЛ-ММЗ-45021» русумли автомашина, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 071, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 117 000 сўм.
е) «КАВЗ-685» русумли автобус, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 066, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 163 800 сўм.
ё) «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AJ 220, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 6 735 500 сўм.
ж) «ИЖ-2715» русумли автомашина, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 061, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 23 400 сўм.
з) «КАВЗ-685» русумли автобус, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 059, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 757 870 сўм.

III. Самарқанд тумани, Узоқ лагерь қўрғони, «Самарқанд автотеххизмат» 1-сон АТУда сақланаётган:

а) «ЗИЛ-431610» русумли автомашина, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AL 147, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 7 553 310 сўм.
б) «ГАЗ-53» русумли автомашина, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AN 534, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 6 474 000 сўм.
в) «КАМАЗ-5511» русумли автомашина, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 062, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 12 487 500 сўм.
г) «КАМАЗ-5511» русумли автомашина, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 070, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 13 653 000 сўм.
д) «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 328, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 7 621 750 сўм.

IV. Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчасидаги «Сам Авто Сервис»да сақланаётган:

«Отойўл 80-22» русумли автомашина, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 213, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 7 090 000 сўм.

V. Самарқанд тумани, Гулобод қишлоғи, «Парвина-М» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:

а) «М-412» русумли автомашина, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 453, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 546 952 сўм.
б) «Дамас» русумли автомашина, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 136, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 4 822 004 сўм.
в) «Мидибус 29 М» русумли автобус, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AA 187, техник соз. Бошланғич баҳоси — 15 768 000 сўм.
г) «Мидибус 24 М» русумли автобус, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AB 143, техник соз. Бошланғич баҳоси — 18 264 600 сўм.
д) «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 181, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 8 350 500 сўм.
е) «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 573, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 7 911 000 сўм.
ё) «Отойўл 65-9» русумли автомашина, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 568, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 7 032 000 сўм.
ж) «ГАЗ-5312» русумли автомашина, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AT 776, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 2 376 000 сўм.
з) «ГАЗ-3307» русумли автомашина, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AN 536 техник носоз. Бошланғич баҳоси — 2 250 000 сўм.
и) «ЗИЛ-133Г» русумли автомашина, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 707, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 375 000 сўм.

VI. Самарқанд шаҳри, Саноат зонаси ҳудудидаги «Шина ремонт завод» ҳовлисида сақланаётган:

«ЗИЛ-ММЗ-555» русумли автомашина, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 061, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 4 955 206 сўм.

VII. Самарқанд шаҳри, Геология кўчаси, «Парвина-Курувчи» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:

«Дамас» русумли автомашина, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 250, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 464 505 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона.
Телефон: (8-366) 234-06-38.

978/142

«Қизларжон» баҳси

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан Наманганда "Қизларжон" танлови ўтказилди.

Танлов

Қизларда тадбиркорлик ва ташаббускорликни ривожлантириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, спортга интилиш, шунингдек уларни оилага тайёрлаш мақсадида ташкил этилган ушбу танловда вилоят мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этишди. Танлов шартларига кўра, сиёсий, тиббий, ҳуқуқий, маънавий мавзулардаги саволлар ўртага ташланди. Иштирокчилар пазандалик сирлари, чақалоқларни кийинтириш, парваришлаш ҳақида ҳам ўз билимларини намойиш этдилар.

Беллашув якунида академик лицей ўқувчиси Соҳиба Домлажонова ғолиб деб топилди. Ғолиб ва иштирокчиларга ташкилотчилар, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Саодат АЪЗАМХЎЖАЕВА.

ОБ-ҲАВО (6 февраль)



Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 7-12 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 3-8 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий ҳудудида кечаси 7-12 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 3-8 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ.

Фарғона водийси. Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 3-8 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Тунда 3-5 даража совуқ, кундузи 5-7 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.35